

## ROLE OF THE PUBLIC CHARITABLE FOUNDATION “VAQF” IN DEVELOPMENT OF “ZIYARAH” TOURISM IN OUR COUNTRY

**Ravshanov Tuyli Gulmurodovich-**

is the chief specialist of the Compliance Control and Internal Audit Service of the Ministry of Tourism and Cultural Population of the Republic of Uzbekistan, an independent researcher of the Institute for Tourism Development.

**Annotation:** This article was examined the amount of funds allocated by the Public Charitable Foundation “Vaqf” for the improvement of shrines in our country.

The article was also studied the impact of these allocations on increasing the volume of domestic and foreign tourists visiting these shrines.

**Keywords:** “Ziyarah” tourism, Public Charitable Foundation “Vaqf”, shrines.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сон Фармони қабул қилиниши юртимизда кўп асрлик миллий ва диний кадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аждоқларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, мавжуд қадамжолар ва зиёратгоҳларни қайта таъмирлаш ҳамда зиёрат туризмни ривожлантириш учун яна бир муҳим қадамлардан бири бўлди.

Хусусан, ушбу Фармонга асосан Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида “Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил этилиб, унга тарихий-меъморий аҳамиятга эга зиёратгоҳларни сақлаш, таъмирлаш, ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини янада ривожлантириш, юртимиздаги муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу масканларга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг зиёратларини уюштириш, зиёратчилар учун зарур шароитлар яратиш ҳамда масжидлар ва зиёратгоҳлар ходимларини, хусусан имом-хатиблар, имом ноиблари, мутаваллилар, муаззинларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш белгилаб берилди.

Зиёрат туризми мамлакатимизнинг жаҳондаги обрў-эътиборини янада оширишда, миллионлаб мусулмонларнинг буюк алломалар ва мутафаккирлар ўтган муқаддас заминимизга ташриф буюришида, бизда мавжуд исломий меросни ўрганиш Фонднинг асосий мақсадларидан этиб белгиланди.

Фонд тасарруфида 189 та зиёратгоҳ бўлиб, ушбу зиёратгоҳларни қайта таъмирлаш, ободонлаштириш ҳамда зиёратчиларга шароитлар яратиш ҳамда бошқа ҳаражатлар учун 2018 йилда 1,5 миллиард сўм, 2019 йилнинг январь-май ойларида 6,5 миллиард сўм сарфланган.

Фонд томонидан ушбу йилларда Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Навоий вилоятларида зиёратгоҳларда зиёратчилар учун қулайликлар яратиш ҳамда янги масжидлар қуриш, масжид намозхоналари ва таҳоратхоналарини таъмирлаш билан боғлиқ амалий ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги “Чим” масжиди, Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги “Сарикул” ва Тайлоқ туманидаги “Ястепа” масжидлари, Навоий вилояти Нурота туманидаги “Чуя” масжидлари Фонд томонидан ҳомийларни жалб этган ҳолда қурилди.

Бундан ташқари, зиёрат туризми мақсадида Сурхондарё вилоятига ташриф буюрган сайёҳлар учун мўлжалланган Термиз шаҳридаги “Ҳаким ат-Термизий” зиёратгоҳи яқинида “Вақф” меҳмонхонаси ташкил этилмоқда. Бугунги кунда ушбу меҳмонхонада қурилиш ишлари амалга оширилаётган бўлиб, меҳмонхона биносини капитал таъмирлаш ва меҳмонхона сифатида қайта жиҳозлаш учун Фонд ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан маблағлар сарфланди.

Президентимизнинг бевосита ташаббуслари билан 2018 йилда “Катта Кенагас” қишлоғида туғилиб ўсган Зиёвуддин Ҳазинийнинг уй музейи ва унинг ёнида жойлашган мақбарада комплекс ва мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилиб, зиёратчилар учун гўзал масканга айлантирилди.

Мақбара, уй музейни капитал таъмирлаш ва экспонатлар билан бойитиш учун Давлат бюджетидан 1,9 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар сарфланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги “Буюк ипак йўли” халқаро фольклор мусиқа фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 371-сон қарорига асосан Марғилон шаҳридаги “Пур Сиддиқ” мажмуаси ва “Саид Аҳмадхонхўжа” мадрасаси ва Қўқон шаҳридаги “Камол қози” мадрасаси, “Норбўтабек” мадрасаси, “Мўйи муборак” зиёратгоҳи ва бошқа объектлар таъмирланиш ҳамда зиёратчиларни уларга жалб қилиш мақсадида давлат бюджетига 3,1 млрд. сўм маблағлар сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 ноябрдаги “Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-3991-сон қарори ижросини таъминлаш доирасида Қўқон шаҳридаги 12 та маданий мерос объектларида қайта таъмирлаш ишлари олиб борилди.

1-жадвал.

2019 йил мобайнида “Вақф” фонди томонидан зиёратгоҳларнинг қурилиш ва таъмирлаш харажатлари ажратилган маблағлар<sup>1</sup>

№	Зиёратгоҳлар ва мажмуалар номи	Сўмда
Бухоро вилояти		
1.	“Баҳоуддин Нақшбанд” зиёратгоҳи	1 485 240 600
2.	“Хўжа Муҳаммад Бобой Самосий” зиёратгоҳи	106 531 430
3.	“Абдуҳолиқ Ғиждувоний” зиёратгоҳи	124 500 000
4.	“Хўжа Али Ромитаний” зиёратгоҳи	39 146 560
5.	“Хўжа Ориф ар-Ревгарий Моҳитобон” зиёратгоҳи	69 620 000
6.	“Саййид Амир Кулол” зиёратгоҳи	296 590 980
7.	“Абу Ҳафси Кабир” зиёратгоҳи	27 200 000
Кашкадарё вилояти		
1.	“Лангар ота” зиёратгоҳи	15 372 000
2.	“Дорут Тиловат” мажмуаси	6 511 000
3.	“Ҳазрати Башир” зиёратгоҳи	6 380 980
4.	“Дорус Саодат” мажмуаси	35 000 000
Самарқанд вилояти		
1.	“Шоҳи-Зинда” ёдголик мажмуаси	735 300 000
2.	“Имом Бухорий” мажмуаси	26 000 000
3.	“Ҳазрати Довуд” зиёратгоҳи	35 000 000
Навоий вилояти		
1.	“Боязид Бастомий” зиёратгоҳи	20 600 000
2.	“Чашма” мажмуаси	244 500 000
3.	“Қосим Шайх” зиёратгоҳи	3 000 000
Қорақалпоғистон Республикаси		
1.	“Абдулло Норинжоний” зиёратгоҳи	5 500 000
2.	“Султон Увайс бобо” зиёратгоҳи	18 326 000
Тошкент вилояти		
1.	“Зангиота” зиёратгоҳи	228 272 364
2.	“Мачитали бобо-Ҳазрати Али” зиёратгоҳи	4 000 000
	Жами	3 532 591 914

<sup>1</sup> “Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Жумладан, “Худоёрхон” ўрдаси, “Модарихон” мақбараси, “Аврат” ва “Жомий” масжидлари, “Даҳмаи Шоҳон” мақбараси, “Хожибек”, “Чалпак”, “Норбўтабек”, “Алихон хожи”, “Миён Ҳазрати”, “Сайид Аҳмадхўжа” ва “Дастурхончи” мадрасалари, “Жаҳон Отин Увайсий” ёдгорлиги ҳамда “Пури Сиддик” зиёратгоҳи каби таъмирланиш учун республика бюджетидан 5,72 млрд. сўм ва маҳаллий бюджет маблағлардан 9,8 млрд. сўм умумий қиймати 15,5 млрд. сўм маблағлар ажратилди.

Хусусан, 2019 йилнинг ноябрь ойи сўнггида “Ҳазрати Имом” мажмуаси таркибига кирувчи қадимий “Тилла Шайх” ҳамда “Бароқхон” масжидларида таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Фонд ҳомийларининг саховати эвазига ушбу икки масжиднинг том қисмлари таъмирланди ва уларга янги тарнов тизими ўрнатилди. Ушбу ишларга Фонд томонидан 18 миллион 600 минг сўм сарф этилди.

2019 йилда “Вақф” фонди томонидан мамлакатимизнинг туризм салоҳияти юқори бўлган ҳудудларида зиёратгоҳларнинг қурилиш ва таъмирлаш харажатлари учун 3,5 млрд. сўм миқдоридagi маблағлар ажратилди.

Мисол учун, Бухоро вилоятидаги “Баҳоуддин Нақшбанд”, “Хўжа Муҳаммад Бобой Самосий”, “Абдуҳолик Ғиждувоний”, “Хўжа Али Ромитаний” ҳамда “Хўжа Ориф ар-Ревгарий Моҳитобон” сингари 7 та зиёратгоҳларни қуриш ҳамда таъмирлаш учун умумий қиймати 2,1 млрд. сўм миқдоридagi маблағлар тақдим этилди.

Шу билан бирга, “Шоҳи-Зинда” ёдголик мажмуаси, “Имом Бухорий” ҳамда “Ҳазрати Довуд” зиёратгоҳларини қайта таъмирлаш, қуриш ҳамда улар атрофларида ташриф буюраётган маҳаллий ва хорижий туристлар қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ушбу зиёратгоҳлар учун 796 млн. сўм маблағлар “Вақф” фонди томонидан тўлаб берилди.

Шунингдек, “Вақф” фонди томонидан Кашкадарё вилоятидаги 4 та зиёратгоҳ, Навоий вилоятидаги 3 та, Қорақалпоғистон Республикасидаги 2 та ҳамда 2 та зиёратгоҳларни ободонлаштириш ва мавжудларини таъмирлаш учун 587,4 млн. сўм миқдоридagi маблағлар ажратилди.

Ушбу ажратилган маблағларнинг асосий қисми Нурота туманидаги “Чашма” мажмуаси ва Зангиота туманидаги “Зангиота” зиёратгоҳи атрофини ободонлаштириш ва қайта таъмирлашга йўналтирилган. 2019 йилда Фонд томонидан зиёратгоҳларда ташриф буюрувчилар учун қулай шарт-шароитлар ташкил этиш мақсадида Сурхондарё вилояти Термиз туманида жойлашган “Муҳаммад Ҳаким ат-Термизий” зиёратгоҳига ичимлик сувини етказиш мақсадида хайрли ишга қўл урилди.

Мисол учун, 2019 йилнинг 21-23 февраль кунлари Бухоро шаҳрида мамлакатимизда жойлашган муқаддас зиёратгоҳлар ва буюк уломалар ҳаётини ёритиб беришга қаратилган “Зиёрат туризми бўйича I-Форум” ташкил этилди. Унда 34 та хорижий мамлакатлардан 120 нафардан ортиқ ушбу соҳада фаолият олиб бораётган етук олимлар ва уламолар иштирок этишди.

Шунингдек, 2019 йилнинг 24-25 май кунлари Самарқанд шаҳрида “Буюк Ипак йўли чорраҳасида Зиёрат туризми ренессанси” номли халқаро амалий конференция ташкил этилиб, 40 ортиқ мамлакатлардан

130 нафардан ортиқ етук уломалар ҳамда олимлар ушбу тадбирда иштирок этишди.

Зиёрат туризмини ривожлантириш борасида олиб борилган сай-харакатлар натижасида мамлакатимиз бўйлаб ички туризм бўйича саёҳат қилаётган маҳаллий туристлар сони сезиларли даражада ортди.

Хусусан, 2018 йилда зиёрат туризми йўналишида республика бўйлаб амалга оширилган сафарларнинг умумий сони 21,0 млн. ортиқни ташкил этиб, Самарқанд вилояти 3,0 млн. ортиқ, Андижон вилояти 2,2 млн. ортиқ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари 1,5 млн. ортиқ саёҳатларни амалга оширилган

2020 йил давомида Фарғона вилоятидаги 7 та “Узун ҳовуз” масжиди меъморий обидаси, “Миён Ҳазрат” мадрасаси, “Шоҳ Салим” мақбараси, “Мўйи муборак” зиёратгоҳи, “Соҳиби Ҳидоя” зиёратгоҳи ва бошқа маданий мерос объектларида туристлар учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида республика бюджети маблағлари ҳисобидан 3,6 млрд. сўм маблағлар сарфланди.

Ушбу йиллар давомида амалга оширилган ишлар натижасида ҳам ички туристлар сони ортиши билан биргаликда хорижий мамлакатлардан келган туристлар сони ҳам сезиларли даражада ортган.

2-жадвал.

2016-2021 йилларда мамлакатимизга ташриф буюрган туристлар сони ва уларнинг сафар мақсадлари<sup>2</sup>

№	Кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
	амалда		1 300,1	2 690,1	5 346,2	6 748,5	1 504,1	1881,3
1.1	<u>шундан ёшлар кесимида:</u>							
	0 дан 18 ёшгача	минг нафар	164,8	218,7	434,6	611,8	140,7	270,9
	19 дан 30 ёшгача		413,4	548,6	1 090,3	1 315,9	285,8	312,6
	31 дан 55 ёшгача		1 056,2	1 401,7	2 785,7	3 458,6	787,5	935,4
	55 ёшдан ошган		392,7	521,1	1 035,6	1 362,2	290,2	362,5
<u>шундан сафар мақсадлари бўйича:</u>								
1.2	хизмат	минг нафар	149,7	28,4	56,5	53,1	17,4	60,7
	ўқиш		6,3	7,4	14,6	21,4	4,7	6,4
	дам олиш ва бўш вақт (зиёрат)		175,5	230,5	458,1	1 043,9	129,3	155,1
	қариндошлари йўқлаш		1 651,2	2 371,7	4 713,5	5 520,7	1 321,4	1613,1
	даволаниш		27,1	26,4	52,5	55,5	15,0	32,4
	тижорат		17,2	25,6	50,9	53,9	16,3	13,6
2	<u>ички туристлар</u>	минг нафар	8 855,2	10562,1	12487,0	14748,0	1 807,0	15 025,2
		фоиз	-	19,2	20,0	20,0	-	200,3

Зиёрат туризми объектларида хорижий ва маҳаллий туристлар учун ҳам қулай шарт-шароитларнинг ташкил этилиши натижасида пандемия шароити бўлишига қарамадан, туристлар сони 2019 йилдаги кўрсаткичлардан 18 фоизга ортиб, 15,02 млн. кишини ташкил этди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда зиёрат туризмининг ривожланишида “Вақф” хайрия жамоат фонди сингари фондларнинг ташкил этилиши, ушбу объектлар атрофида инфратузилманинг янада ривожланишига ва сайёҳларнинг уларга ташрифнинг ортишига хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни, 2019 йил 18 июль.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2. ЎРҚ-549-сон. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.07.2019 й., 03/19/549/3446-сон).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2021 йил 9 февраль, ПФ-6165-сон) Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6002-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019. – 64 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 февралдаги “Ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 100-сон қарори.
8. Alieva M.T. Assessment of the development potential of the tourism industry in Uzbekistan. Хорижий мақола Journal of Management Value & Ethics Jan.-March 19, Vol.9 No.1, India ISSN-2249-9512.
9. Safaeva S.R., Alieva M.T. Organizational and economic aspects of the development of the international tourism and hospitality industry of Environmental Management and Tourism,11(4), pp 913-919.2020.
10. State of The Global Islamic Economy Report, 2020/21, pp.-139.
11. [www.uzbektourism.uz](http://www.uzbektourism.uz)
12. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)